

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРИЛИШ СОҲАСИ ХОДИМЛАРИ КУНИНИ НИШОНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда қурилиш ва бунёдкорлик ишларида қаратилган юксак эътибор натижасида соҳада улкан ютуқлар қўлга киритилмоқда. Шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктларининг меъморий қиёфасини тубдан янгилаш, уларни замонавий шаҳарсозлик талаблари асосида ривожлантириш ҳамда аҳолининг уй-жой ва ижтимоий-маиший шароитини яхшилашга қаратилган комплекс чора-тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида бугунги кунда мамлакатимиз улкан қурилиш-бунёдкорлик майдонига айланган.

Мазкур қурилиш-бунёдкорлик ишларини амалга ошириш учун республикада 23,8 мингта пудрат ташкилотлари, 31 та бош лойиҳа институти ва 1000 га яқин лойиҳа ташкилотлари фаолият кўрсатмоқда. Мамлакатимизда қурилиш соҳаси учун малакали кадрлар тайёрлаш бўйича 3 та архитектура ва қурилиш институти фаолият олиб бормоқда. Шунингдек, 12 та олий таълим муассасаси ҳамда 390 та касб-хунар коллежиди қурилиш соҳаси учун мутахассис кадрлар тайёрланади.

2017 йилда республикада бўйича барча манбалар ҳисобидан жами 37,5 триллион сўм ҳажмда қурилиш ишлари бажарилиб, ўтган йилга нисбатан 120,5 фоизга ўсиш кузатилади. Натижада жорий йилда жами 15 мингта арзон намунавий уйлар, 191 та арзон кўп қаватли уйлар ва 2,5 мингта ижтимоий соҳа объектлари фойдаланишга топширилади.

Тасдиқланган мақсадли дастурлар доирасида арзон намунавий уй-жойлар, кўп қаватли уйлар ва ижтимоий соҳа объектларидан ташқари, йирик иншоотлар ва инфратузилма объектлари ҳам фойдаланишга топширилмоқда. Жумладан, сўнгги йилларда Тошкент шаҳрида "Бунёдкор" стадиони, "Хаятт Риженсис" меҳмонхонаси, "Инха" университети филиали, "Минор" масжиди, Фарғона шаҳрида санъат саройи ва футбол стадиони, Жиззах шаҳрида стадион ва универсал спорт комплекси, Урганч шаҳрида универсал спорт комплекси ва Навоий давлат қончилиқ институти бино-иншоотлари замонавий шаҳарсозлик талаблари асосида барпо этилди.

Қурилиш соҳасини жадал ривожлантириш, қурилишда янги технологиялар ва энергия тежамкор материалларни қўллаш, қурилиш-пудрат ва лойиҳа ташкилотларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва улар учун малакали кадрлар тайёрлаш тизимини қучатириш соҳа ривожининг янги даврини бошлаб берди.

Соҳада кенг қўлланма ислохотларнинг амалга оширилиши натижасида бугунги кунга келиб қурилиш соҳаси ўз тараққиётининг янги босқичига кўтарилди.

Республикада амалга оширилаётган қурилиш ва бунёдкорлик ишларини жадаллаштириш, бугунги кунда соҳада қўлга киритилган ютуқларни кенг тарғиб этиш ва соҳада фаолият олиб бораётган мутахассисларни рағбатлантириш мақсадида, шунингдек, соҳада меҳнат қилаётган кенг жамоатчиликнинг тақлифларини инобатга олиб:

1. 2017 йилдан бошлаб август ойининг иккинчи яшанба куни "Ўзбекистон Республикаси қурилиш соҳаси ходимлари куни" деб эълон қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳри ва вилоятлар ҳокимликлари, "Давархитектқурилиш" кўмитаси, мутахассис вазирлик, идора, ҳўжалик бирлашмалари ва ташкилотлар "Ўзбекистон Республикаси қурилиш соҳаси ходимлари куни"ни соҳага мос тарзда ва тантанали равишда нишонлашни таъминласинлар.

3. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситалари га "Ўзбекистон Республикаси қурилиш соҳаси ходимлари куни"ни нишонлаш билан боғлиқ тадбирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ой муддат ичда "Ўзбекистон Республикаси қурилиш соҳаси ходимлари куни"ни нишонлаш бўйича тегишли қонун лойиҳасини ишлаб чиқсин ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига киритсин.

5. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари – "Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамияти бошқаруви раиси А. Ж. Раматов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2017 йил 7 август

Изхор

Шу кунларда ўғлимнинг шашти баланд. Унга қараб мен ҳам қувонаман.

– Онажон, бизнинг Олмаликда ҳам олийгоҳ очилар экан, – дейди у ўзига сиймай. – Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг "Тошкент вилоятида санъат ишлаб чиқариш соҳаси учун муҳандис-техник кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорига мувофиқ, Ислон Каримов

номидаги Тошкент давлат техника университетининг Олмалик филиали ташкил этиларкан. Қувонарлиси, кундузидан ташқари, кечки ва сиртки бўлимларида ҳам ўқиш мумкин. Айниқса, мен каби заводда ишлайдиганлар ўқиш учун пойтахтга бориши шарт эмас. Яна ишлаб чиқаришдан узилмаган ҳолда ўқийверишим ҳам мумкин бўларкан...

Ҳа, унинг ёниб турган кўзла-

рига қараб, энтикиб қўяман. "Президентимизга раҳмат, – дейман, – Элим, юртим, деб ёниб яшаш мана бунақа бўлади. Ана, Чирчиқ шаҳрида Вилоят педагогика институти очилса, шаҳримизда университет филиали иш бошлайди. Қойил, вилоятимиз ёшлари, уларнинг келажаги учун бундан ортиқ ғамхўрлик бўладими? Айниқса, кечкию, сиртки бўлимларнинг очилишини айтинг.

Аёл бошим билан уч фарзандни катта қилдим, уларни ўқитишга келганда бир оз қийналиб қолганим рост. Шунда катта ўғлим: "Онажон, мен ишлашим керак, ўқиш бўлса қочмас" деб, коллеждан кейин ишга кирди. Унинг ич-ичидан институтда ўқишга ҳаваси зўрлигини билардим, лекин

Мана энди, ана шу орзу-ҳавасларга йўл очилди. Бу

хабар бошқа фарзандларимни ҳам қувонтириб юборди. Қолаверса, бу олий таълим даргоҳини битиргач, фарзандларим "Қаерда ишласам экан?" деб бошини қотирмайдди. Мен нафақат ўз болаларим, балки вилоятимиз ўғил-қизлари учун катта имкониятлар эшиги очилаётганидан беҳад хурсандман.

Савринисо АСКАРОВА.
Олмалик шаҳри.

МИЛЛИЙ КИНЕМАТОГРАФИЯНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

2018 йилда – 40 қисмдан иборат 20 та, 2019 йилда – 50 қисмдан иборат 25 та ва 2020 йилдан бошлаб – 60 қисмдан иборат 30 та ҳужжатли, илмий-оммабоп, ўқув-услубий фильмлар, киносолномалар, киножурналлар ишлаб чиқариш; мультимедиа фильмларни 2018 йилда 15 та, 2022 йилдан бошлаб ҳар йили 50 тадан ишлаб чиқариш;

ёш кино ижодкорларнинг 10 соатдан иборат қисқа метражли фильмлари, болалар учун юмористик киножурналлар суратга олиш;

давлат буюртмаси асосида ишлаб чиқарилган фильмларни жаҳон бозорига чиқариш ва фестивалларда намойиш этиш учун чет тилларга субтитрлаштириш ва дубляж қилиш;

миллий кинематографиянинг энг сара асарларини тиклаш, реставрация қилиш ва замонавий форматга ўтказиш.

3. Миллий кинематография санъатини замон талаблари асосида ривожлантириш, ёш кино ижодкорларни қўллаб-қувватлаш мақсадида "Ўзбекино" Миллий агентлиги ҳузурида Миллий кинематографияни ривожлантириш жамғармаси (кейинги ўринларда Жамғарма деб аталади) ташкил этилсин ва унинг маблағларини шакллантиришнинг манбалари эътиб қўйиладиган белгилансин:

– давлат буюртмаси ва Жамғарма маблағлари ҳисобидан ишлаб чиқарилган фильмларнинг кинопрокатидан тушадиган маблағлар;

– давлат буюртмаси ва Жамғарма маблағлари ҳисобидан ишлаб чиқарилган фильмларни намойиш этиш мобайнида жойлаштириладиган тижорат эълонларидан тушадиган маблағларнинг 10 (ўн) фоизига тенг миқдордаги мажбурий ажратмалар;

Жамғарманинг вақтинча бўш маблағларини қонун ҳужжатларига мувофиқ банк депозитлари шаклида ва

бошқа шаклларда жойлаштиришдан тушадиган даромадлар;

"Ўзбекино" Миллий агентлиги томонидан кино ва бошқа маданий-ижтимоий тадбирларни ташкил этиш ҳамда ўтказиш билан боғлиқ бўлган фаолиятдан олинadиган даромадлар;

юридик ва жисмоний шахсларнинг, шунингдек, халқаро ташкилотларнинг ҳомийлик хайриялари ҳамда қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

4. "Ўзбекино" Миллий агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳамда Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг кинофильмлар намойишини самарали ташкил этиш, аҳоли, айниқса, ёшларга маданий хизмат кўрсатиш учун шароит яратиш мақсадида мамлакатимиздаги мавжуд ёшлар марказлари, маданият ва аҳоли дам олиш марказлари, лицей ва коллежларнинг биноларидан фойдаланган ҳолда, "Ўзбекино" Миллий агентлиги ҳузурида Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда таркибда кичик киностудиялари ва замонавий форматдаги кинозаллари бўлган минтақавий маданий-кўнгилчор комплекслар (кейинги ўринларда комплекслар деб аталади) ташкил этиш тўғрисидаги тақлиди қабул қилинсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш кўмитаси ва "Ўзшаҳарсозлик ЛИТИ" давлат унитар корхонаси 2018 йил 1 январгача "Ўзбекино" Миллий агентлигининг техник топшириғи ва хорижий мамлакатларнинг илғор тажрибасини ҳар томонлама ўрганиш асосида комплексларнинг намунавий лойиҳасини ишлаб чиқсин, унинг майдонларида замонавий кинозалларни (2-қават), шунингдек, савдо-кўнгилчор объектларни (1-қават) жойлаштиришни назарда тутсин.

Давоми 2-бетда. ➡


Август – ҳосил тақдирини ҳал қилувчи ой

ҒЎЗА ДЕҲҚОННИНГ КЎЗИДАН "СУВ ИЧАДИ"

Ғўза – эътиборталаб экин. У деҳқон меҳридан яшнайдди. Кечани-кеча, кундузидан-кундуз, демай қилинган фидокорона меҳнат туфайли юқори ҳосил олиш мумкин.

Бу йил вилоятимиз пахтакорлари 86 минг 400 гектар ерда ғўзанинг "Порлок", "Наманган-77" каби навларини экиб, паваришига алоҳида эътибор қаратишмоқда. Шу кунларда агротехника ишлари авж паллага кирган. Зеро, ҳозирги тигиз меҳнат мавсумида ғўзани сугориш, чеканка ва культивация қилиш тадбирлари сифатли бажарилса, мавжуд ҳосил нишонлари тўлиқ сақланиб, қўсаклар янада кўпаяди.

Давоми 3-бетда. ➡



Муносабат

Аввал хабар қилганимиздек, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимиз ижодкорлари, маданият, адабиёт ва санъат соҳаси намояндалари, атоқли шоир ва ёзувчилар, санъатшунос олимлар, журналистлар, кино, театр артистлари билан учрашуви бўлиб ўтди. Нафақат соҳа вакиллари, балки адабиётга ошўфта, санъатсевар халқимиз ҳаётида улкан воқеа ҳисобланган бу тадбирда юртдошларимизнинг айна дилидаги гаплар айтилди. Мамлакатимиз раҳбарининг маънавий-маърифий соҳалар истиқболи, эришилаётган ютуқлари ечимини кутаётган долзарб муаммолар ва уларни ҳал этиш йўлида амалга оширилиши зарур бўлган чора-тадбирлар хусусидаги мулоҳазалари барча зиёлиларга, ижодкорларга кўтаринкилик бағишлади.

ЗИЁЛИСИ УХЛАБ ЁТСА... ЭЛИНИ КИМ УЙҒОТАР?

Қаерда бўлманг, халқимизнинг хайрихоҳликка йўғрилган дил сўзлари янграмоқда. Хусусан, вилоятимиз ижодкор зиёлилари ўзларига билдирилаётган ишончу рағбатга муносиб бўлиш маъсулиятини чуқур ҳис этишаётгани уларнинг қуйидаги дил изхорларидан ҳам кўриниб турибди.

Махмуд ТОИР.

Ўзбекистон

Халқ шоири:

– Дунёда кундан-кунга эҳтиёж кучайиб бораётган тинчлик, фаровонлик, ободликнинг бош мезони – маънавият. Уни юксалтиришнинг асосий омилли адабиёт ва санъат, маданиятнинг ривожлантириш билан боғлиқ. Лекин, бу жараёнда ўзига хос камчиликлар, муаммолар ҳам йўқ эмас. Мамлакатимиз раҳбарининг бу борадаги ғамхўрликлари, ҳолисона, асосли фикрлари биз, ижодкорларни кел-

гусида янада фидойилик билан ишлашга, ижод қилишга ундайди. Зеро, маърузада тилга олинган масалалар, юракдан айтилган самимий сўзлар, билдирилган ишонч ва рағбат учун муносиб жавоб бериш ҳар бир ижодкорнинг муқаддас бурчи бўлиши керак. "Агар биз истеъдод ва маҳоратимизни шу муқаддас замин, шу олижаноб халқимиз учун сафарбар этмасак, Ҳазрат Навоий айтмоқчи, бу ҳунарни асраб нима қиламиз, қаерга обектамыз уни?", дея таъкидлаганлари жисму жонимизда ҳамон акс-садо бериб турибди. Айниқса, вилоятимиздаги бугунги улкан ўзгаришлар ҳақида ёзиш тўғрисидаги даъватлари эса мен учун катта эътибор, рағбат ва ишонч бўлиши баробарида зилмамга юксак маъсулият ҳам юклади.

Давоми 2-бетда. ➡

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИМИЛЛИЙ КИНЕМАТОГРАФИЯНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ
ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

6. "Ўзбекино" Миллий агентлиги Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Ўзбекистон уюшмаси, Ташқи ишлар вазирлиги билан биргаликда:

кинematография соҳасида кадрларни қайта тайёрлаш мақсадида "Ўзбекино" Миллий агентлиги қошида атоқли кино ижодкорлар дарс берадиган малака ошириш курсларини ва "Маҳорат мактаблари"ни ташкил этиш;

мамлакатимизнинг ёш, истеъдодли ва истиқболли кино ижодкорлари малакасини ошириш мақсадида уларнинг тегишли етакчи хорижий таълим муассасаларида мунтазам равишда таҳсил олишига зарур шарт-шароитлар яратиш юзасидан 2018 йилнинг 1 январига қадар Вазирлар Маҳкамасига тақлиф қилитсин.

Белгилаб қўйилсинки, мазкур бандда кўрсатилган чора-тадбирлар Жамғарма маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

7. "Ўзбекино" Миллий агентлигининг фаолиятини самарали ташкил этиш мақсадида:

"Қорақалпоқкино" агентлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳудудий бўлимларини 1 тадан "Дамас" русумли автомашина билан таъминлаш;

"Қорақалпоқкино" агентлиги ва вилоятлар ҳудудий бўлимларига бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан сақланадиган 4 тадан қўшимча штат бирлиги ажратиш тўғрисидаги тақлифи маъқуллансин.

8. Белгилаб қўйилсинки: "Ўзбекино" Миллий агентлигининг марказий аппарати, "Қорақалпоқкино" агентлиги ва ҳудудий бўлимларини сақлаш, шунингдек, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш билан боғлиқ харажатлар

◀ Бошланғич 1-бедра.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Миллий кинematографияни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига шарҳ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Шавкат Мирзиёев яқинда Ўзбекистон ижодкор зиёлилари билан бўлган учрашувда маданият, адабиёт ва санъат соҳасини ривожлантириш борасида давлатимиз томонидан муҳим чора-тадбирлар белгиланаётгани, жумладан, қатор фармон ва қарорлар лойиҳаси тайёрланаётгани ҳақида алоҳида тўхталиб ўтган эди.

Давлатимиз раҳбари томонидан ана шу муҳим ҳужжатлардан биринчиси "Миллий кинematографияни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарор имзоланди.

Қарорда 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларга асосланиб, халқимиз, аввало, ёшлар онгига миллий истиқлол ғояларига садоқат, миллий ва умумбашарий қадриятларга ҳурмат, она Ватанга муҳаббат туйғуларини сингдиришда катта таъсир кучига эга бўлган кино санъатининг ролини ошириш, "Ўзбекино" Миллий агентлигининг фаолиятини тақомиллаштириш борасида муҳим вазифалар белгилаб берилган.

Қарорга мувофиқ, миллий кинematографияни янада ривожлантириш чора-тадбирлари, "Ўзбекино" Миллий агентлиги марказий аппаратининг тузилмаси, "Қорақалпоқкино" агентлиги ҳамда вилоятлар ва Тошкент шаҳар бўлимларининг намунавий тузилмалари, "Республика кинофони" давлат унитар корхонасининг тузилмаси тасдиқланди.

Шунингдек, "Ўзбекино" Миллий агентлиги қошида Ўзбекистон кино арбоблари ижодий уюшмаси юридик шахс сифатида ташкил этилди ва унинг тузилмаси тасдиқланди.

Қарорда "Ўзбекино" Миллий агентлиги учун миллий кино маҳсулотларини яратиш бўйича йиллик ишлаб чиқариш ҳажмининг прогноз кўрсаткичлари белгилаб берилган бўлиб, унга кўра, Давлат буюртмасига асосан, 2018 йилда – 20 та, 2020 йилдан бошлаб – 30 тадан тўлиқ метражли бадиий фильмлар тайёрланади.

Шу билан бирга, 2018 йилда – 40 қисмдан иборат 20 та, 2019 йилда 50 қисмдан иборат 25 та ва 2020 йилдан бошлаб – 60 қисмдан иборат 30 та ҳужжатли, илмий-оммабоп, ўқув-услувий фильмлар, киносолномалар, киножур-

наллар ишлаб чиқариш белгиланган. Ёш авлод тарбиясида муҳим ўрин тутадиган мультимедия қисмлар 2018 йилда 15 та, 2022 йилдан бошлаб эса 50 тадан ишлаб чиқариш кўзда тутилган.

Қарорга биноан яна бир тузилма – миллий кинematография санъатини замон талаблари асосида ривожлантириш, ёш кино ижодкорларни қўллаб-қувватлаш мақсадида "Ўзбекино" Миллий агентлиги ҳузурида Миллий кинematографияни ривожлантириш жамғармаси ташкил этилмоқда.

Қарорда "Ўзбекино" Миллий агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳамда Ўзбекистон ёшлар иттифоқи томонидан билдирилган тақлифлар асосида кинофильмлар намоишини самарали ташкил этиш, аҳоли, айниқса, ёшларга маданий хизмат кўрсатиш учун шароит яратиш мақсадида мамлакатимиздаги мавжуд ёшлар марказлари, маданият ва аҳоли дам олиш марказлари, лицей ва коллежлар биноларидан фойдаланган ҳолда, "Ўзбекино" Миллий агентлиги ҳузурида Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда тарки-

бида кичик киностудиялари ва замонавий форматдаги кинозаллари бўлган минтақавий маданий-кўнгилочар комплекслар бунёд этиш вазифаси белгиланган.

Айни вақтда кинematография соҳасида кадрларни қайта тайёрлаш мақсадида "Ўзбекино" Миллий агентлиги қошида малака ошириш курслари ташкил этилади, атоқли кино ижодкорлар дарс берадиган "Маҳорат мактаблари" фаолияти йўлга қўйилади.

Мамлакатимиздаги ёш, истеъдодли ва истиқболли кино ижодкорларнинг малакасини ошириш мақсадида уларнинг хориждаги тегишли етакчи таълим муассасаларида мунтазам равишда таҳсил олишлари учун зарур шарт-шароитлар яратиб берилди.

Давлат буюртмаси асосида ишлаб чиқариладиган кинофильмларнинг ғоявий-бадиий савияси, мазмун-моҳияти ҳамда профессионал даражасини ошириш масаласига ҳам қарорда алоҳида эътибор қaratилиб, шу мақсадда кино соҳасининг етук намоёндалари ва тажрибали мутахассислардан иборат Бадиий кенгаш тузилиши белгиланган.

Шунингдек, Ўзбекистонимизнинг энг хушманзара, сўлим масканлари Зомин ва Паркентда ижодкорлар учун замонавий ижод уйлари қурилиши ҳақидаги хушхабар барча ёзувчи шоирларни тўқинлантириб юборгани рост. Бундай улғувор, эзгу ниятлар, хайрли саъй-ҳаракатлар, албатта, ўз мевасини беради.

Илҳом ХАЛИЛОВ,
вилоят Матбуот ва ахборот бошқармаси бошлиғи ўринбасари.

– Биз ижодкорлар учун улкан маънавий рағбат берган муҳтарам Президентимизнинг ўша учрашувдаги самимий нутқи таассуротлари билан аяшяпмиз. Юртдошларимизнинг айна дидаги гаплар бу. Адабиёт, санъат, маданият аҳлига меҳр кўрсатиб, муносиб

бу борада асосли хулосалар чиқаришга ундаши зарур. Китебхонлик маданиятини ошириш, сифатли, ғоявий-бадиий пишиқ-пухта асарларнинг, китебларнинг қўйилишига ҳисса қўйишимиз шарт.

Абдурашид ЙЎЛДОШЕВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист.

– Кўшиқ – ҳаётим мазмунига айланган рост. Кўп йиллардан буён санъаткор номини улғулаб, унга доғ туширмасликка ҳаракат қилиб келаяпман. Бунинг ўзи улкан масъулиятдир. Зеро, эл-юрт назарига тушиб, мухлислар муҳаббатига, олқишига сазовор бўлиш осон иш эмас. Президентимизнинг маърузасини катта қизиқиш, чуқур ҳажон билан тинглаб, томоша қилдим. Бу самимий фикрлар нафақат мен

ЗИЁЛИСИ УХЛАБ ЁТСА...
ЭЛИНИ КИМ УЙЎТАР?

шароитлар яратиб беришга интилаётган давлатимиз раҳбарига шундай масъулиятли дамларда қўл-қанот бўлмаган ижодкор ижодкор эмас, деган фикр ўтди ҳаёлимдан. Айниқса, китебхонликни ривожлантириш, ёш ижодкорларни қўллаб-қувватлаш борасидаги ғамхўрликлар биз, соҳа ҳодимларига янада масъулият юқлайди.

Эътибор беринг: 2010 йилдан буён Ўзбекистон уюшмасининг "Ижод" фонди томонидан "Биринчи китобим" сериясида 1 млрд. 300 миллион сўм маблағ сарфланиб, 73 номда, жами 1 миллион 220 минг нусхада ёш ижодкорларнинг китоблари нашр этилди ва улар республикамизнинг барча таълим муассасаларига бепул етказиб берилмоқда. Бу ҳазилакам гап эмас-ку, ахир. Зотан, бундай муҳим йўналишдаги ишларни бундан буён ҳам қатъий билан давом эттиришимиз, бу борада зиёлиларимиз ҳам ташаббус кўрсатишлари шарт.

Чиндан ҳам ҳозирги пайтда республикамизда 122 та нашриёт фаолият олиб бораётган экан, уларнинг ҳаммаси ҳам миллий ғоямизни ривожлантириш, халқимиз маънавиятини юксалтиришга хизмат қилаётими? Бу каби саволлар, айниқса, биз матбуот ва ахборот бошқармалари ҳодимларини чуқур ўйлантириши,

Чиндан ҳам ҳозирги пайтда республикамизда 122 та нашриёт фаолият олиб бораётган экан, уларнинг ҳаммаси ҳам миллий ғоямизни ривожлантириш, халқимиз маънавиятини юксалтиришга хизмат қилаётими? Бу каби саволлар, айниқса, биз матбуот ва ахборот бошқармалари ҳодимларини чуқур ўйлантириши,

◀ Бошланғич 1-бедра.

Кулайлик

Тошкент туманининг "Кўксарой" маҳалласи ахли маъий турмушининг кўпгина жабҳаларида яратилган кулайликлардан мамнун.

БИР ЮЗ ҚИРҚ
ХОНАДОННИНГ
ҚУВОНЧИ

Хусусан, яқинда маҳалла номи билан аталувчи кўчанинг қарийб 1 километрлик қисмига давлат маблағи ҳисобидан асфальт ётқизилган бўлса, Кўксарой-3 кўчасининг 1,4 километрлик қисми ҳашир йўли билан таъминланди.

Хонабод кўчасида жойлашган 140 хонадон аҳлининг қувончи ҳам бундан кам эмас. Бу ерда иш бошлаган трансформатор станцияси хонадонларни электр энергияси билан барқарор таъминлай бошлади.

Ўз мухбиримиз.

Депутат минбари

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди ва ушбу тизимни янада тақомиллаштириш, аҳолини дори воситалари ва тиббий буюмлари билан таъминлашни яхшилаш, соҳа ҳодимлари меҳнатини рағбатлантириш, давлатнинг замонавий технология ва усулларини кенг жорий этиш масаласига алоҳида эътибор қaratилмоқда.

Жорий йилнинг февраль ойида тиббиёт соҳаси вакиллари иштирокида бўлиб ўтган йиғилишда давлатимиз раҳбари тиббий хизмат кўрсатиш муассасалари фаолияти талаб даражасида йўлга қўйилмаётгани, тизимда аҳолининг ҳақли эътирозларига сабаб бўлаётган айрим салбий иллатлар ҳамда соҳа ҳодимларининг шахсий жавобгарлиги ва масъулияти масаласини танқидий таҳлил қилиб, муаммоларни бартараф этишга қaratилган долзарб вазифаларни белгилаб берган эди. Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикасида бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятини ташкил этишни янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори эса тизимни янада тақомиллаштиришга хизмат қилувчи муҳим ҳужжат сифатида аҳоли томонидан қизгин қўллаб-қувватланди.

Мана, шунга ҳам олти ойдан зиёроқ вақт ўтди. Ҳўш, Халқ депутатлари вилоят, туман (шаҳар) Кенгашларининг бўлиб ўтган сессияларида аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатишни янада тақомиллаштириш, инсон манфаатлари устуворлигига эришишда жамоатчилик ва депутатлик назоратини янада қучайтириш, тегишли мутасаддиларнинг ҳисоботларини эшитиб бориш, қабул қилинаётган янги қонун ва қарорларнинг мазмун-моҳиятини кенгайтириб қилишдек катта мақсад-

ларни қўзлаб тузилган кўмаклашувчи комиссия ва ишчи гуруҳлари соҳани ислоҳ қилишда самарали иштирок эта олаётими?

Соғлиқни сақлаш тизимида ўзгаришлар сезилаётми. Депутатлар фаолиятида-чи? Бугун мана шу саволларга жавоб берадиган вақт келди.

Ўтган давр мобайнида Халқ депутатлари вилоят Кенгаши ҳузуридаги комиссия ҳудудларда аҳолига тиббий хизмат кўрсатишнинг аҳолини, қишлоқ врачлик пунктларидаги шарт-шароитлар, мавжуд дорихоналарда мижозларга кўрсатилаётган хизмат сифатини танқидий таҳлилий ўрганиб, аниқланган камчиликлар ва муаммоларни ўз йиғилишларида муҳокама этиб борди.

Ўрганишлар натижасида, вилоятда аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифати етарли эмаслиги, бирламчи тиббий-санитария ёрдамини қўрсатувчи муассасалар – қишлоқ врачлик пунктларининг моддий-тех-

ник базасини мустаҳкамлаш, уларни керакли дори воситалари, тиббий буюмлар билан доимий таъминлашда бир қатор муаммолар борлиги аниқланди. Аҳолига хизмат кўрсатишда йўл қўйилаётган қўпол камчиликлар, сансалорлик, тез тиббий ёрдам машиналарининг белгиланган ҳудудга ўз вақтида етиб бормаслиги каби ҳолатлар Халқ депутатлари шаҳар-туман Кенгашларининг апрель ойида бўлиб ўтган навбатдаги сессияларида муҳокама қилинди ҳамда мавжуд камчиликларни бартараф этиш юзасидан чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди. Жойларда аҳолининг талаблари, фикр-мулоҳазаларини инобатга олган ҳолда, мавжуд ҚВПларни мақбуллаштириш бўйича олиб

ечимини кутиб турганини унутмаслигимиз керак.

Бир қатор тиббий муассасалар биноларининг таъмирталаблиги, моддий-техник базанинг ночорлиги, дори воситалари ва тиббий буюмларга бўлган эҳтиёжни белгиланишнинг аниқ механизмлари мавжуд эмаслиги, айрим йўналишларда мутахассис-кадрлар етишмовчилиги муаммоси нафақат чекка ҳудудларда, балки вилоятнинг салоҳиятли шаҳарларида жойлашган тиббиёт муассасалари фаолиятида ҳам кўзга ташланмоқда.

Масалан, Чирчиқ шаҳридаги марказий шифохона ва кўп тармоқли марказий поликлиника бинолари капитал таъмирга муҳтож. Шаҳардаги 3-оилавий поликлиника биноси авари

рият ҳолатида. 1990 йилдан буён унинг иккинчи ва учинчи қаватларидан оилавий поликлиника сифатида фойдаланиб келинмоқда ва бу ердаги шароит талабга жавоб бермайди. Бинонинг биринчи қавати антисанитария ҳолатида. Мазкур мослаштирилган оилавий поликлиникада жами 126 нафар ходим ишлайди. Бироқ, хоналарнинг етишмаслиги (жами 45 та хона) сабабли аксарият тиббиёт ҳодимлари кўп тармоқли марказий поликлиникадан вақтинча ажратилган хоналарда иш олиб боради. Бу эса уларнинг фаолиятини поликлиника раҳбарияти томонидан доимий назорат қилиш, шу тариқа, аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатишда ноқулайлик туғдираётир. Энг ачинарлиси, Чирчиқ шаҳридаги 51 мингдан зиёд аҳолига

хизмат кўрсатувчи мазкур поликлиникада рентген, ультратовуш эшитиш аппаратлари йўқ. Халқ депутатлари Чирчиқ шаҳар Кенгаши ҳузуридаги комиссия поликлиника биносини капитал таъмирлаш ва келгусида бинони янгитдан қуриш тўғрисида ўз тақлифларини берганига ҳам анча бўлди...

Шунингдек, Чирчиқ шаҳридаги 50 ўринли силга қарши кураш диспансеридаги ҳолат ҳам ачинарли. 1935 йилда қурилган бино авария ҳолатида. Айни пайтда диспансерда беморлар учун эскириб кетган симтемир қаравотлардан фойдаланилган. Стол-стуллар ҳам яроқсиз ҳолга келиб қолган. Дори-дармон танқислиги мавжуд. Диспансерда фтизиатр мутахассислиги бўйича

шифокорлар етишмайди. Иситиш тизими эскирган. Ангрен шаҳридаги тиббиёт бирламчиси тасарруфидида "Тез тиббий ёрдам" бўлимида 20 та тиббий ёрдам машинаси мавжуд бўлиб, шуларнинг 12 тасигина яроқли. 12 нафар тез тиббий ёрдам шифокори етишмайди. Комиссия томонидан ўрганилганида, шаҳарда 43 нафар умумий амалиёт шифокори, 10 нафар акушер-гинеколог, 7 нафар фтизиатр, жами 108 нафар турли тоифадаги мутахассис-шифокорга эҳтиёж борлиги аниқланди. Бугунги кунда шаҳар тиббиёт бирилмасига 2 та тиббий машина (Дамас) олиб келинди ва ушбу автомашиналар талаб юқори бўлган Нуробод ва Қасбиёғон қўғонлари филиалларига берилди.



Вилоят бўйлаб Хоҳловчилар учун сиртки таълим

Тошкент Давлат аграр университетида жорий йилдан бошлаб сиртки таълим шаклида иккинчи ва ундан кейинги олий маълумот олиш имкони яратилди.

Таъриба-синов тариқасида жорий этилган бу янгиланган Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларида ўқишга қабул қилиш бўйича Давлат комиссиясининг тегишли баёни қарори билан тасдиқланди. Университетда сиртки таълим шаклида иккинчи ва ундан кейинги олий маълумот олиш истагида бўлганлардан тегишли ҳужжатлар 20 августга қадар қабул қилинади.

Эзгулик ва маърифат маскани

Пискент тумани марказида яна бир эзгулик маскани – янги жоме масжиди қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Унинг очилиш маросимини олий вақф ва эзгу кадрларини асраб-авайлаш, жаҳолатга қарши маърифат билан курашишни муҳим вазифаси бўлишига умид билдирди.

«Хизмат доирасидан ташқарида» бўлсангиз...

"Билайн" алоқа оператори вилотиимизнинг кўплаб ҳудудларида тармоқ қамров доирасини кенгайтириш борасида муайян ишларни амалга оширмоқда.

Шу кунларда вилот бўйлаб учинчи авлодга мансуб 20 дан зиёд таянч станцияларининг ишга туширилгани бунинг тасдиғидир.

Эндиликда вилотиимиз Қорасув, Оқ-Ота, Кўкса-

рой, Суранкент, Толовул, Тошўғон, Хасанбой, Шўраласой, Эркин ва Янги Кўрғон аҳоли пунктларида алоқа сифатини яхшилашнинг янги имкониятлари вужудга келди.

"Тошкент ҳақиқати" мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.

Ижтимоий реклама

Дикқат, танлов!

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Тошкент вилоти кенгаши "Энг намунали хонадон" кўриқ-танловини эълон қилади.

"Ораста ва сариштали хонадон – кут-барақа манбаи" широри остида хонадонларни намунали ҳолатга келтириш, озода ва сарамжом-саришта тутиш, аҳолининг бу борадаги ҳуқуқларини янада юксалтириш, намунали хонадонларни аниқлаш, раббатлантириш ва илғор таърибаларни оммалаштириш мақсадида ташкил этилган танлов 2 босқичда бўлиб ўтади.

Жорий йилнинг 10-20 август кунлари кўриқ-танловнинг маҳаллаларо, 20-30 август кунлари туман (шаҳар) босқичи ўтказилади.

Танловда ғолиблар "Энг намунали хонадон", "Энг намунали кўп қаватли хонадон" ва "Энг обод кўча" номинациялари бўйича аниқланади ва махсус диплом ҳамда қимматбаҳо эсдалик совғалари билан тақдирланади.

Шаҳардаги болалар шифохонасида 2016 йилнинг июнь ойида манзилли дастур асосида реконструкция ишлари бошланган ва унинг биринчи натижаси 2016 йилнинг декабрь ойида тугалланиши керак эди. Бироқ, "Фар Кўркам Водий" хусусий фирмаси томонидан амалга оширилмаган қурилиш ишлари ҳалигача охирига етказилмаган. Шифохонани локал иситиш тизимига ўтказиш ва зарур бўлган 360 миллион сўмлик маблағни маҳаллий бюджетдан қоплаш масаласи ҳал этилмай келинапти. Болалар шифохонаси эса шаҳар маҳаллий шифохонасига қарашли мослаштирилган бинога вақтинчалик кўчирилган. Бу ерда ҳам шарафлар етилмади. Шифохонанинг

овул", "Гул" МФЙ ҳудудидаги қишлоқ врачлик пунктлари ҳам ўта таъмирталаб. Иситиш тизими ишламайди, тиббий хизматлар танқислиги мавжуд. Икки мингдан ортиқ аҳолига хизмат кўрсатиш келган Шароф Рашидов қишлоқ врачлик пунктда сув таъминоти умуман йўқлиги, бионинг таъмирталабчилиги, мутахассис шифокорлар етишмаслиги, хизмат кўрсатиш сифатининг пастлиги сабабли мақбуллаштириш жараёнида қишлоққа энг яқин жойлашган туман марказий кўп тармоқли поликлиникасига бирлаштирилди. Бўшаб қолган бино шифокорлар учун тураржой сифатида ажратилди.

Яна бир масала. Вилот комиссияси Оҳангарон туманидан ва Ангрен шаҳридаги "Нишбош" маҳал-

ласи аҳолисида нэма мурожаат келиб тушди. Хар икки мурожаат бўйича комиссия аъзолари, депутатлар ва тегишли мутахассислардан иборат ишчи гуруҳи ўрганишлар ўтказди. "Нишбош" маҳалласида яшовчи 42 нафар фуқаро имзо чеккан мурожаатда шу ҳудуддан сайланган депутатларнинг "Нишбош" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида алоҳида тиббий хизмат кўрсатиш шаҳобчаси ташкил этиш тўғрисидаги таклифи Халқ депутатлари Ангрен шаҳар Кенгаши сессиясида маъқулланди. Тегисли чора-тадбир ишлаб чиқиш тўғрисида шаҳар тиббиёт бирлашмасига тавсиялар берилганидан руҳланган маҳалла фаоллари тиббий хизмат биносини ҳашар йўли билан қуриш ташаббусини илгари суришди. Аҳоли учун жуда долзарб

масалани назоратга олиш бўйича депутатлик сўрови киритилди ва бугунги кунда муаммо ижобий ҳал этилди.

Оҳангарон туманидан тушган мурожаат ўрганилганда, Санам қишлоғидаги 2006 йилда замонавий типда қурилган қишлоқ врачлик пункти Овжаз, Айритом, Тошарик, Қорабалик, Санам, Бекмуродовул қишлоқларида яшовчи жами 9 мингга яқин аҳолига тиббий хизмат кўрсатиб келаётгани, мақбуллаштириш жараёнида КВПнинг тез тиббий хизмат кўрсатиш шаҳобчаси сифатида Телов оливайи поликлиникасига бириктирилиши айрим эътирозларга сабаб бўлган. Мурожаатда ушбу тиббий муассаса КВП сифатида барча талабларга жавоб бериши, лекин уни КВП ҳолида сақлаб қолиш тўғрисидаги аҳоли

таклифларини Оҳангарон тумани тиббиёт бирлашмаси раҳбарлари эшитиши ҳам истамаганилиги, натижада икки юзга яқин фуқаро имзоси билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонасига, Оҳангарон тумани Халқ қабулхонасига ва бошқа мутасадди идораларга шикоят хатлари юборишга мажбур бўлинган таъкидланган. Вилот комиссияси ушбу мурожаатни жойига чиққан ҳолда ўрганди. Бироқ, айтиш жоизки, Халқ депутатлари туман Кенгаши ҳузуридаги комиссия ва депутатлар аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш янада такомиллаштириш йўлида олиб борилаётган ислохотлар жараёнида фаол қатнашганларида, тарғибот ва тушутирилган ишларни ташкил этиш учун энг чекка ҳудудларга етиб борганларида, энг муҳими, аҳоли таклиф-истаклари ва мурожаатларига юзга муносабатда бўлмаганларида юқоридаги каби эътирозлар ҳолатлар юзга келмаган бўларди.

Халқимизнинг тинчлик-хотир-жамлиги ва саломатлиги мамлакат тараққиётининг энг муҳим асосидир. Ўзбекистон Республикаси Президентининг соҳага оид қатор қарорлари, шу жумладан, 2017 йил 17 июлда қабул қилинган "Аҳолини дори воситалари ва тиббиёт бўюмлари билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори соҳани ривожлантиришга тўсиқ бўлаётган муаммоларни ҳал этишда яна бир муҳим қадам бўлди. Ушбу қарорнинг

Шуни унутмаслигимиз керакки, халқ ишонч билдирган ҳар қайси депутатнинг жамиятдаги фаоллиги ва мамлакатда кечаётган жараёнларга берадиган эътибори пировардида, аҳоли тинчлиги ва хотиржамлигини, барқарор тараққиёт ва соғлом келажакни таъминлашга хизмат қилади.

Зарифа ЭРАЛИЕВА,
Халқ депутатлари вилот Кенгаши Ижтимоий-маданий ривожланиш масалалари бўйича доимий комиссияси раиси.

ЎЎЗА ДЕҲҚОННИНГ КЎЗИДАН «СУВ ИЧАДИ»

Асадда ўза деҳқоннинг кўзидан сув ичади, дейишди асл пахтакорлар. Чиндан ҳам, август – ҳосилга ҳосил қўшиш ойи. Бу даврда ўза кун санайди, деҳқон экин-га парвона бўлади. Бунинг маъноси шуки, экин кун сайин ривожланиб, шоналар гуллар-

га, гуллар кўсақларга айланади. Деҳқонларимизнинг масъулияти икки карра ошиб, улардан эртаю кеч ҳушёр бўлиш, ҳар туп ўзани назардан қочирмаслик талаб этилади. Мавсумдаги биргина хато ҳосил салмоғига пугур етказиши ҳеч гап эмас. Вилотиимизда шулар-

ни ҳисобга олиб, ўз ҳўжалигида барча агротехник ишларни вақтида бажараётган фермерлар кўпчилики ташкил этади. Ўрта Чирчиқ туманидаги "Бектемир нур агро" фермер ҳўжалигини бунга мисол қилиш мумкин.

Жорий йил ҳўжалик экин майдонининг 22 гектарига барвақт чигит қадалди. Тўлиқ униб чиққан ниҳолларни чопик, культивация қилиш, беғона ўтлардан тозалаш, сифатли сугоришга алоҳида эътибор қаратилди. Бу ўз самарасини бермоқда.

– Ўзани сугоришда "шарбат" усулини қўллаётганимиз намликини узоқроқ сақлаш ва сувни тежаш имконини бераёттир, – дейди ҳўжалик раҳбари Садриддин

Зокиров. – Ҳозир барваж ривожланаётган ҳар бир ниҳолимизда ўртача 10-15 та кўсак бор. Баъзи ўзаларда йигирмадан кўпроқ кўсак санаш мумкин. Лекин, бу хотиржамликка асос бўлмайди. Деҳқончасига айтганда, даладагиси эмас, хирмондагиси ҳисоб.

Айни жазирама кунларда тупроқ нами қочирилса ер ёрилиб, ўза илдири тизимига шикаст етиши, яна ҳам ёмони, чанқаган экин гул ташлаши мумкин. Садриддин фермер бундай ҳолатларни олдини олишга алоҳида эътибор қаратиб, ҳўжалик аъзолари билан ҳар кун даланинг қайси жойида аҳвол қандайлигини аниқлаб, навбатдаги юмушларни белгилаб

олаёттир, зараркундаларга қарши курашишга алоҳида эътибор бермоқда.

"Бектемир нур агро" фермер ҳўжалиги ишчилари ҳар йили агротехника тадбирларини ўз вақтида, сифатли бажариб, бонитети нисбатан паст ердан 30-35 центнердан ҳосил олишга эришмоқда. Уларнинг бу йилги мўлжали ҳам ана шу кўрсаткичдан кам эмас. Айни кунда амалга оширилаётган ишлар куздаги хирмоннинг салмоғини белгилаб беради. Бунинг учун ҳис этган жамоа аъзолари ҳам кунни тунга улаб меҳнат қилишмоқда.

Холимурод САЛИМОВ,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.

Қобилжон ҒОҒУРОВ
олган суратлар.



2017 йил – Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили

Муаттар Мўминова асли оҳангаронлик. У Ангрен шаҳридаги коллежда таҳсил олди ва 2017 йил катта орзулар, мақсадлар билан ўқиниш тамомлади. Тенгдошлари қатори хусусий бизнесни йўлга қўйишга ҳавасманд бўлиб, Президентимиз томонидан ёшларга, коллеж битирувчиларига яратиб берилаётган пул-кредит сиёсатидан фой-

даланмоқчи бўлди. Қураманинг бу асл қизи, ота касби чорвадор-омилкор эмасми, падари бузруквори билан маслаҳатлашиб, соҳани давом эттириши, оилавий касбу корини янги уфқларга олиб чиқишни ўйлади. Шу мақсадда "Қишлоққурилиш-банк"нинг Оҳангарон тумани филиалига мурожаат қилди. Бироқ...

Сайёр қабул:

«КАТТАКОН»ЛАР ОДАМЛАРНИ ЭШИТИШДИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Тошкент вилотидаги Халқ қабулхонаси томонидан Оҳангаронда сайёр қабул ўтказилди. Тадбир Халқ қабулхонаси вилот бўлимига келиб тушган мурожаатлар негизида ташкил этилиб, унда Оҳангарон тумани ва шаҳри аҳолиси вакиллари иштирокида мавжуд аҳвол, муаммоларнинг аниқ амалий ечими, қўрилган ишнинг натижадорлиги, ижро интизоми каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилди. Вилот Халқ қабулхонаси мудири Акмал Тешабоев:

– Амалиётдан келиб чиқиб, бугунги сайёр қабулга тегишли вилот ташкилотлари мутасад-

дилари, корхона ва муассаса раҳбарларини таклиф этганимиз. Бундан асосий мақсад – аҳоли мурожаатларини имкон қадар жойида, ўз вақтида, масаланинг моҳиятини тўла англаган ҳолда ҳал қилишдир. Масалан, ер-сув, уй-жой масаласи бўйича тушган ва тушадиган барча саволларга ҳар томонлама асосланган жавоб берилмас, фуқароннинг кўнгли тўлмас экан, ариза ва мурожаатлар қайтарилади, аксинча, уларнинг юбориш манзили ўзгаргани қолди, ҳолос. Ана шундай ҳолат, тушунмовчилик содир бўлмаслиги учун вилот ташкилотларида меҳнат қилаётган, ўз соҳасини пухта эгаллаган, халқ билан мулоқот лаё-

қатиға, чуқур ҳаётий тажрибага эга бўлган ходимларни бундай учрашуларга мунтазам жалб қиламиз. Муҳими, барчаимизнинг мақсад-муддоямиз, режаларимиз битта – юртимиз тараққиётига ҳисса қўиш, фаол фуқаролик позициясини қўллаб-қувватлаш, одамларни дарду ташвишларига малҳам бўлиб, муаммолар илдизига зарба бериш.

Дарҳақиқат, йиғилишда қўрилган барча масалаларга атрафлича ёндашилди. Муаммоларнинг ижобий ҳал этиш бўйича аниқ ижро муддати ва тегишли мутасадди билан биргаликда ҳал қилиниши лозим бўлган ишлар режаси белгилаб олинди.

Қишлоқдаги ичимлик ва оқова суви муаммоси юзасидан мурожаат қилган "Ёнарлик" МФЙ аҳли, ишлаб чиқариш объектини ишга тушириш учун бир парчагина ер сўраб неча ойдири, сўлиб-сарғайган Абдумажид Ботирбеков, фарзанди аржуманднинг болалиқдан ногиронлик нафақаси олишига эҳтиёжи борлигини минг истиҳола билан айтган Шохсанам Турсункулова каби очик-кўнгли, соддадил, меҳнатда тобланган юртдошларимиз бу кунги қабулдан кўнгли тоғдай кўтарилди, "каттакон"лар билан учрашувдан узоқ вақт эслаб юришларини айтишди.

Ана улар сафида мақоламиз аввалида эсланимиз – Муаттар Мўминова ҳам бор. У ҳам бугунги учрашувдан кўнгли тўлиб, чехраси ёришиб, падари бузруквори – кекса чорвадор ҳузурига ошқикмоқда. Унинг отасига айтадиган гаплари кўп: зеро, иш энди бошланаёттир...

Бехзод ҚОБУЛОВ,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.

«АДОЛАТ» СОЦИАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ ВИЛОЯТ КЕНГАШИНИНГ ПЛЕНУМИ

Халқ депутатлари вилот Кенгашига партиядан сайланган депутатлар, партиянинг туман ва шаҳар кенгашлари раислари, "Еш адолатчилар", "Аёллар қаноти" фаоллари иштирок этган тадбирда давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 12 июлдаги Олий Мажлис палаталари, сиёсий партиялар ҳамда Ўзбекистон Экологик ҳаракати вакиллари билан видеоселектор йиғилишидаги маърузасидан келиб чиқадиган вазифалар юзасидан партия вилот кенгашининг жорий йил иккинчи ярми учун чора-тадбирлар дастурийи таъдиқлаш масаласи қўриб чиқилди.

Партия фаолиятининг барча йўналишлари танқидий таҳлил қилинди. Президентимиз маърузасидан келиб чиқиб, устувор вазифалар белгилаб олинди.

– Партия вилот кенгаши томонидан чора-тадбирлар дастури ҳамда Президентимиз маърузасида белгиланган вазифалар асосида режа ишлаб чиқилди, – дейди Халқ депутатлари вилот Кенгаши депутати З. Эралиева. – Дастур 8 бўлимдан иборат бўлиб, партия фаолиятини тубдан ўзгартириш, ташаббускорликини кучайтириш, давлат бошқаруви органлари ҳудудий тузилмалари билан ишлаш, улар фаолияти устидан назорат ўрнатиш, уюшмаган ёшлар билан ишлаш ва депутатлик гуруҳлари фаолиятини танқидий-таҳлилий қайта кўриш каби масалалар қамраб олинган.

Пленумда партия вилот кенгаши раиси суиш ишлаётган туман ва шаҳар кенгашлари фаолиятини танқид қилди. Маҳаллий кенгашларнинг айрим депутатлари ўз ваколатидан тўлиқ фойдаланмаётгани, халқнинг ишончли вакили, "депутат" деган номга муносиб иш кўрсатмаётгани таъкидланди.

Тадбирда ҳудудий кенгаш раислари ва барча депутатлар зиммасига аниқ вазифалар юклатилиб, уларни амалга ошириш мuddатлари белгилаб берилди.

Абдулазиз МУСАЕВ,
Ўза мухбири.

О'zLiDeP Тошкент вилоти кенгаши жамоаси Халқ депутатлари вилот кенгаши депутати Абдухалик Жабборовга волидаи мухтарамаси

Шарофат аянинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

БОРАЁТГАН ТИББИЙ ХИЗМАТ:

моддий-техник базаси ночор аҳволда. 180 мингдан ортиқ аҳолиси бўлган Ангрен шаҳридаги болалар шифохонасида рентген аппарати йўқ. Мавжуд 80 фойзага яқин тиббий асбоб-ускуналарнинг ишлатиш мuddати ўтган, айримлари яросиз ҳолга келиб қолган.

Айни пайтда ушбу муаммо вилот ҳокимлиги мутасаддилари томонидан доимий назоратга олинган ва уларни ҳал этиш учун амалий ёрдам кўрсатишмоқда. "Фар Кўркам Водий" хусусий фирмаси раҳбари ва қурувчилари Мустақиллик байрами арафасида қурилишнинг биринчи навбатини тўлиқ охирига етказиш тўғрисидаги ваъдасининг устидан чиқа олишармикин ёки ишни қўзиш учун яна бирор баҳона ўйлаб топишармикин?

Қуйи Чирчиқ туманидаги "Тош-

ласи аҳолисида нэма мурожаат келиб тушди. Хар икки мурожаат бўйича комиссия аъзолари, депутатлар ва тегишли мутахассислардан иборат ишчи гуруҳи ўрганишлар ўтказди. "Нишбош" маҳалласида яшовчи 42 нафар фуқаро имзо чеккан мурожаатда шу ҳудуддан сайланган депутатларнинг "Нишбош" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида алоҳида тиббий хизмат кўрсатиш шаҳобчаси ташкил этиш тўғрисидаги таклифи Халқ депутатлари Ангрен шаҳар Кенгаши сессиясида маъқулланди. Тегисли чора-тадбир ишлаб чиқиш тўғрисида шаҳар тиббиёт бирлашмасига тавсиялар берилганидан руҳланган маҳалла фаоллари тиббий хизмат биносини ҳашар йўли билан қуриш ташаббусини илгари суришди. Аҳоли учун жуда долзарб

